



САЙД РИЗО АЛИЗОДАНИНГ ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Сафаров Ю. Ж

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари
хотираси давлат музейи кичик илмий ходими*

Аннотация: Уибу мақолада яқин тарихимизда бўлган воқеаларни бевосита таҳлил қилишига ҳаракат қилинганд.

Таянч сўзлар: Мирмахсум Ализода, мактаб, мадраса, ислоҳот, Ўгутчи, қизил матбуот, Муросилот, жадидчили, Мактаб ва мадраса ислоҳоти бизга зарур

Самарқанд жадидчилик мухитида жуда ҳам кўплаб яшаб ўтган намоёндалар бўлиб, улар XX аср Туркистон тараққиёти учун кўплаб ишларни амалга оширганлар. Улар Ҳожи Муин, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фиграт, Камий, Сиддиқий Ажзий, Рожий Мунаввар Кори Абдурашидхоновлар ва бошқа кўплаб буюк жадидлар номини зикр этишимиз мумкин. Яна шундай жонкуяр жадидларимиздан бири шубҳасиз Сайд Ризо Ализода эди.

Сайд Ризо Ализода 1887 йилда 15 февралда Самарқандда Мирмахсум Ализода оиласида дунёга келади. У ўз саводи Абулқосим ал-Ганжийнинг янги учул мактабда саводини чиқарди. Кейинчалик шу мактабда муаллимлик ҳам қилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг яқин сафдоши эди. Уша даврда жадидлар томондан ташкил этилган, “Таржимон”, “Ойна”, “Туркистон хабарлари”, “Шулаи инқилоб”, “Зарафшон”, “Камбағаллар товуши”, “Мулла Мушфикий” (форсча), каби кўплаб газета ва журналларда ўз мақолалари билан 1910 -1937 йиллар мобайнида қатнашди. У ўз даврининг ўткир муаммолар хеч иккilanmasdan қalamga олди. Сайд Ризо ўз пайтида жуда кўплаб газета ва журналларда мақололар эълон қилиб боради. Шундай мақолардан бири ўқиймиз “Ҳамма бадбаҳтлик ва разолат, қашшоқлигу разолат биз Туркистонликларни қоплаб олиши сабаби замона мадрасаларининг удуми ва мактабларнинг ситаму факирлигидадур”⁶⁵ деб ёзади Сайд Ризо Ализода 1913 йил “Ойна” журналининг 15 ноябр 3-сонида у киши “Мактаб ва мадраса ислоҳоти бизга зарур” номли мақоласида “Ҳамма басират арбобларга ошкор ва возеъдирким, ҳар бир миллат, ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сиёсатининг равнақи ва сиёсатига боғлиқдир. Самарқанд ва унинг атрофида 150 минг ортиқ нуфӯзи бўлиб, мусулмонлардан қанча тожир, судгар қанча мағозачи, контролчи бор? Қаерда духтири, муаллим, муҳандис ва муншийдирки бизга сув ва ҳаводай зарурдир”⁶⁶. Самарқандда уша даврда қанча иш ўрнига эҳтиёж борлиги аниқ сонлар билан маълум қилмоқда ва қайси касблар учунлигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Уша давр мухим ижтимоий муаммоларни кўрсатиб берган. Сайд Ризо Ализоданинг орзузи барча

⁶⁵ F.X. Раҳимов “Сайд Ризо Ализода абадияти”. –Т. “Шарқ”. 2017 й. 4-5 бет.

⁶⁶ F.X. Раҳимов “Сайд Ризо Ализода абадияти”. –Т. “Шарқ”. 2017 й. 6-бет.





таракқийпарвар жадидлар каби Туркистонни озод ва хур замонавий Оврупа давлатлари қаторида кўриш эди. Бу мақсад йулида у қўлидан келган барча ишларни қилишга ҳаракат қилди. Буни биз унинг қўйидаги фикрлари орқали билиб олишимиз мумкин. “Йиллар бўлибдики, соир мамлакатлар мусулмонлар илм даражаси, мактаб ва мадрасалар фаолиятини билиб, ҳар шаҳарда жадид мактаб очиб, унинг тақмилига ҳаракат қилмоқдалар. Аммо биз Туркистон мусулмонлари наинки жадида мактаб ва мадраса очмаяпмиз. Балки уларни ҳалигача бидат ва ҳаром санаяпмиз. Билмайман биз Туркистон мусулмонларга нима бўлди? Эй Туркистонлик биродарлар! Эй азиз юртдошлар!Faflat қачонгача! Жаҳолат қачонгача?” Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики Ализода нақадар қалами ўткир ижодкор эканлиги ва ўз даври учун долзарб муаммоларни нақадар очиқлик ва аниқ ва равshan ёндашганини кўрсатиб турибди. Бу каби фикрлар табиийки уша давр чор ҳукумати ва кейинчалик ташкил топган совет давлати ҳам уни ўзининг асосий душмани сифатида қўриб келди. Бунга унинг 14 тилни бемалол гаплашиши ва бемалол мулоқот қилиши ва уша давлатлар билан бемалол фикр алмашиниши уларнинг газета ва журналларида оташин мақолалар чоб қилиши ортидан Туркия, Хиндистон, Эрон, Крим каби ҳудудларда уни зур эҳтиром ва ҳурмат қилишарди. Саид Ризо Ализода уларнинг матбуотида ҳам тез-тез ўзининг мақоларни эълон қилиб туриши советларни ташвишлантираш эди. Колаверса Саид Ризо Ализода Туркистон жадидлар билан жуда яхши алоқаларга эга эди. Бу эса табиий равишда советларга ёқмас эди. Саид Ризо Ализода давр нотинчликларга қарамасдан ҳақиқатни мавжуд тузум кирдикорларни очиб ташлайди. Буни биз “Зарафшон” газетаси 1924 йил “Мен суддан қўркмайман” мақоласини ўқиймиз “Зарафшон” газетасининг 111-сонида “Орлиқ ва туппонча”⁶⁷ сарлавҳаси остида ёзилғон бир ҳабардан Богошамолнинг баъзи ёшкумлар ҳаёжонга тушуб, ҳабар ёзгувчининг ким эканлигини билиб судга бермакчи эканлар. Шунинг учун “Ўгутчи” имзоси билан ушбу ҳабарни ёзғон одамнинг уларга маълум бўлиши керак экан. Мен эса уларнинг меҳнатини озайтириш учун (яъни суд воситаси билан газета идорасидан ушбу ҳабарни ёзғон одамнинг ким эканлигини билиш учун ташвиш тортмасунлар деб) ўзимни билдириб маҳкама (суд) курсисида бул ҳақ сўзларим учун ўлтиришни, ҳатто маҳкама менинг зараримга ҳукм қилғонда неча кун хибсда ётишни ўзим учун фахр ва ифтихор санайман. Чиқинг майдонға мен суддан қўркмайман!” деб ёzádi. Бу ўз даври муқаррар исён эди. Саид Ризо Ализода ушбу мақоласи орқали биз унинг илм аҳлига номаълум бўлган “Ўгутчи” имзоси остида мақола ёзгани энди маълум бўлмоқда унинг Занбур, С.А, Бахлул каби йигирмага яқин тахаллуслар тахаллуслари бўлган. Унинг жасорати, шиддати қандай буюк сиймо эканлиги “майдонга чиқинг” деб очиқ ёзиши бу ўлимга тик боқиши ва мавжуд тузумга очиқ қарши чиқиш ҳам эди. Дарҳақиқат Саидризо Ализодани яна бир “Зарафшон” газетаси 1924 йил “Қизил матбуот яшасун”⁶⁸ деб номланган мақоласида ҳам сўз эркинлиги ғояси биринчи

⁶⁷ С. Ализода. “Мен суддан қўркмайман”, “Зарафшон” газетаси.–1924 й. 146-сон.

⁶⁸ С. Ализода. “Қизил матбуот яшасун”, “Зарафшон” газетаси.–1924 й. 157-сон.






ўринда туради. “ Бу кун қаламнинг озод этилиши ва матбуот буйнидан назорат ва тафтиш занжирини узилишига олти йил тўлди.

Бу кун қизил матбуотнинг туғулишига олти йил утиб, қизил матбуот бешинчи йилга оёқ босадур. Қизил матбуот бу кун юзини олти йиллик умрини, инқилобнинг муҳофазаси шуролар хукуматини кучайиши ва меҳнаткашлар хукуқини мудофааси йўлида ёлғиз хизматлар, зур фидокорликлар билан утказди. Олти йил мундан илгари русия матбуотининг устида цензура ва назорат бор эди. Беш йил мундан бурунғи матбуотга ҳар бир жандармия ва полиция маъмурлари бир қароқчи бир ихтиёрдир ва муфаттиш эдилар. Уч йил мундан илгари матбуот ўтди. Саҳифалари ёлғон мустабид хукуматдирлар, мулкдор ва бойлар фойдасига, уларнинг зулмини ҳаракатини мақташига ҳасратланған эди. Йигирма бир йил мундан бурунғича матбуот меҳнаткашлари фидосига уларнинг хукуқини англалиши ва мудофаа қилиш йўлида бирор сўз ёзмас ёза олмас эди. Ёзғон суратда ёзувчининг қалами синдирилар, қозози ертилар эди. Ўзи идорасидан туппа тугри хибсхонага жунатилар эди. Мустабид чор замонида қамалиш ва ё мол ўғирлаш устида эмас, ҳақ айтиш ва ҳақиқатни ёзиш устида юзага келар эди. Илгари замонда меҳнат озодлиги ва меҳнаткашларнинг тинчлиги ва тамини туғрисида қалам юритишдан ёмонроқ бир хизмат каттароқ бир гуноҳ йўқ эди. Ҳеч эсимдан чиқмайдур ким 1913 йилда мархум Беҳбудий “Самарқанд” газетаси имтиёзи учун хукуматга ариза берганда Самарқанд ҳарбий губернатори мархумни олдиға чақириб, газетага ёзилмайдурғон моддаларни бир-бир ўқиб маълум этганда, “Айниқса ишчилар ҳаракати фойдасига ёзишдан сакланиш керак деган эди. Мана бугунги қизил матбуот билан у кунги қизил матбуотни фарқи!

Меҳнаткаш ўртоқлар ўзингизнинг қизил матбуотгизнинг қизил матбуотингизнинг қадрини билиб унинг кучайиши ва тарқалишига ёрдам берингиз яшасин қизил матбуот”⁶⁹ деб ёзган эди. Саид Ризо Ализода ўшанда бу янги ташкил топганига икки йил тулган ёш собиқ тузум давлатидан умидлари катта эди. Бироқ у орзу қилган ҳақиқат, ҳурлиқ, сўз эркинлиги ва бошқа инсоний тушунчалар бу қизил империя учун умуман кераксиз ва заарли деб ҳисоблаб, барча жадидлар адабий ва илмий қатламлар умуман илмли кишиларни секинлик турли хил уларга ёлғон айловлар куйиб уларни қулоқлаштириш, қатағон қилиш билан ёвуз режалари, янъни уларни жисмонан йўқ қилиб, маҳф этиш орқали буғишмоқчи бўлди. Бу айниқса “Катта қирғин”⁵ 1937-1938 йилларда авжига чиқди. Лекин улар бу ишлари билан ниятларига барибир етиша олмади. Чунки бугун биз жадидларни яна ҳам чукурроқ ўрганиш орқали ўзлигимизни яна кучлироқ англаяпмиз. Саид Ризо Ализода ижоди юқоридаги мақолалардаги фикрлар ҳозирги мураккаб даврда қўзимизни каттароқ очишга, кучли билим салоҳиятга эга бўлишни даврни ўзи тақозо этмоқда. Ҳозир бизни миллатимиз учун айниқса етук билимли зиёлилар ҳар қачонгиданда кўпроқ керакдир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда Саид Ризо Ализода кишининг 135 йиллик юбилийи кенг нишонланди. Ҳамда алломанинг “Муросилот”





ва “Биринчи йил алифбе” асарлари илк бор ўзбек ва тожик тилларда чоп этилди. Хулоса қилиб айтишмумкини, Сайд Ризо Ализода ижоди ҳали кўп ўрганилади. У хусусида ижодкор ва илм ахллари ўрганишимиз керак бўлган бизнинг олдимиздаги катта вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. F.X. Раҳимов “Сайд Ризо Ализода абадияти” .—Т. “Шарқ”. 2017 й. 4-5 бет.
2. С. Ализода. “Мен суддан қўрмайман”, “Зарафшон” газетаси.—1924 й. 146-сон.
3. С. Ализода. “Қизил матбуот яшасун”, “Зарафшон” газетаси.—1924 й. 157-сон.
4. Наим Каримов “Катта қирғин” —Т. 2015 й. 24- бет

